2003 YIL 23 MAY, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№67 (6.592). Sotuvda erkin narxda

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида

**«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жанговар тайёргарлик самарадорлиги ва қўшинларнинг жанговар шайлигини, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек ҳар томонлама етук, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш, Қуролли Кучлар, махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини армия мактабини ўтаган мард ва ватанпарвар кадрлар билан тўлдириш, бунинг учун пухта тайёргарлик кўрган резерв барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг 2003 йил 1 июлдан бошлаб оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг:

лавозим маошларини – икки баравар;

ҳарбий хизматдан бўшатилганда бериладиган нафақа миқдорини – энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваригача ёки 20 бараварга ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотини ошириш билан боғлиқ харажатлар Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» махсус ҳисоб рақамига тушаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Б.Нурмуродов) Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2003 йилда «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» махсус ҳисоб рақамидан муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг таъминотини яхшилаш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш, қўшилмалар ва қисмларни спорт инвентарлари ҳамда тренажёрлар, замонавий компьютер техникаси, ўқув материаллари, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун 2,0 млрд сўм йўналтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилсин. Мазкур имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Белгилаб қўйилсинки, мамлакат олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳарбий қисмларнинг тавсияномалари жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган муддатли ҳарбий хизматчиларга қўшилмалар командирлари ҳамда уларга тенглаштирилган, ҳарбий хизматчини тавсифловчи маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан берилади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғ.Ғуломов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.С.Ғуломов) билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга ўқишга киришда ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган имтиёзлар бериладиган таълим йўналишлари ва олий таълим муассасалари рўйхатини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитасида контракт бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар ва сержантлар таркиби энг аввало:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган;

сафарбарлик чақируви резервидаги хизматда бўлган ва Махсус ҳисоб рақамига пул бадалини тўлиқ миқдорда тўлаган, бир ойлик ҳарбий йиғинларда қатнашган ҳамда ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка турдош мутахассисликка эга бўлган шахслар ҳисобидан тўлдирилади.

6. Адлия вазирлиги (А.А.Полвонзода) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда амалдаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф тайёрласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил, 22 май

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВОДИЙГА САФАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, янги бунёд этилган иншоотлар билан танишиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди.***

Андижонда бошқа соҳалар қатори қурилиш, ободончилик ва халқ фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, истиқлолнинг ўн иккинчи йилида бир қанча маданий-маиший ва спорт иншоотлари қуриб битказилди. Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи ана шундай янги, лойиҳаси ва меъморий ечимига кўра бетакрор иншоотлардандир. Янги спорт коллежи 910 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, қишки ва ёзги сузиш ҳавзалари, атлетика манежи, умуман, Олимпиада ўйинлари таркибига кирган барча спорт турлари бўйича машғулот майдонларига эга. Иншоот хорижнинг энг замонавий иситиш ва совутиш ускуналари билан таъминланган, бошқа қулайликларга эга.

Юртбошимиз вилоят бўйлаб сафарини ана шу иншоот билан танишишдан бошлади. Жаҳон андозалари даражасида юксак дид билан қурилган ва замонавий жиҳозланган спорт зали 5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу ерда 25 турдаги спорт ўйинларини ўтказиш мумкин.

- Бу катта ва кўркам иншоот андижонликларга муборак бўлсин,- деди Президентимиз ёш спорт усталари билан мулоқоти чоғида. - Шундай иншоотни қуришга қурби, ақл-заковати етган халқнинг фарзандлари дунёнинг энг юксак спорт шоҳсупаларидан ўрин эгаллашга муносибдир.

Давлатимиз раҳбари вилоят марказидаги яна бир янги иншоот - 20 минг томошабинга мўлжалланган стадионни бориб кўрди. Бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинлари худди шу масканда очилади. Президентимиз стадионнинг хориж андозаларига мос равишда барпо этилганини таъкидлар экан, спорт мусобақалари миллий қадриятларимизга мос ва хос равишда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз Президенти Андижон пахтачилик мактабида ўзига хос тажрибага эга бўлган Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида Юртбошимиз пахта уруғчилиги мактабини ривожлантириш, сара уруғ олишга эътибор қаратиш, яхши самара бераётган плёнка остида пахта етиштириш усулининг афзалликларини кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш борасидаги ишларга алоҳида тўхтаб ўтди. Баҳорнинг серёғин келиши ниҳоллар ривожини кечиктирди. Эндиги асосий вазифа агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш билан бирга маҳаллий ўғитлар ёрдамида ишлов бериш муҳим омиллардан бири эканлигини уқтириб ўтди.

Юртбошимиз Фарғона вилоятининг Қува туманидаги М.Обидов номидаги ширкат хўжалиги меҳнаткашлари амалга ошираётган ишлар билан ҳам танишди. Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида режа ортидан қувиш эмас, балки деҳқон манфаатдорлигини бош масала қилиб қўйди. Далада меҳнат қилаётган ҳар бир киши бугунги меҳнатининг эртанги самарасини ҳис қила билиши, унга ишониши керак, дея таъкидлади Президент. Жорий йилда 560 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган ширкат хўжалик пахтакорлари асосий майдонларга «АН-512» пахта нави қадаган. Соҳа мутахассисларининг фикрича, бу йил хўжалик 500 миллион сўмга яқин даромад олиши кўзда тутилмоқда.

Тумандаги Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги меҳнаткашлари билан суҳбат ҳам самимий руҳда ўтди. Унда Юртбошимиз шартнома шартларининг ижроси борасидаги ишларга тўхталди. Меҳнаткашлар манфаатдорлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат қилишлари билан бирга дам олишлари билан боғлиқ шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим вазифалардан бири эканини уқтирди. Қишлоқ хўжалиги тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир деҳқоннинг дам олишини таъминлаш, уларнинг саломатлигини тиклаш ишлари долзарб вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратди. Юртбошимиз пахта пайкалларида меҳнат қилаётган аёллар билан суҳбат чоғида оила суянчиғи бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шароитларни яратиб бериш масалаларига алоҳида урғу берди. «Аёл омон бўлса, оила омон, оила омон бўлса, жамият омон, жамият омон бўлса, давлат омон бўлади», деб таъкидлади.

Юртбошимиз Қиргули туманидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида қурилаётган аммиак силитраси ишлаб чиқариш цехи лойиҳа кўламлари билан танишди. Ислом Каримов мутахассислар эътиборини ишлаб чиқариш тармоқларидаги хавфсизлик масалалари, маҳсулот сифати, ишчилар учун яратиладиган шароитлар борасидаги ишларга қаратди. Мазкур ишлаб чиқариш тармоғи водий вилоятларида минерал ўғит таъминоти муаммоларини ҳал этади. Бу ерда Чехиянинг «МБНС» фирмаси ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Бу эса йилига 450 минг тонна селитра ва 360 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш имконини беради. Янги ишлаб чиқариш тармоғининг ишга тушиши туфайли 360 янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари - «Автоойна» ва «Кварц» акциядорлик жамиятлари фаолияти билан ҳам танишди. Ишчи-хизматчилар ва мутахассислар билан суҳбатлашди.

**Ғулом МИРЗО,**
**Расулжон КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

***



**СУРАТДА: водий сафаридан лавҳа.**
А.ТЎРАЕВ, Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

# "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ЖАҲОНГА ТАРАЛАДИ

***Шу йилнинг 25-31 август кунлари она Шарқ маданияти бешикларидан бири бўлмиш замин сайқали – Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" IV Халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади.***

Маълумки, мазкур фестивал илк бор 1997 йили ўтказилган ва унда 32 давлат вакиллари иштирок этиб, ўзларининг анъанавий миллий мусиқаларини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилишганди. Бу йилги фестивалда 50 дан ортиқ мамлакат вакилларининг қатнашиши кўзда тутилмоқда. Бу эса фестивалга бўлган қизиқишнинг қанчалик юқори эканлигини кўрсатади.

Ўтган қисқа давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга нисбатан бўлган қизиқиши ва хайрихоҳлиги анча ортди. Мамлакатимизга киритилаётган инвестициялар миқдорининг ўсганлиги, чет эллик молиячилар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарнинг очилаётгани, замонавий услубда бунёд этилган муҳташам бинолар сони кундан-кунга кўпаяётгани ва яна бошқа кўплаб жабҳалардаги ўзгаришлар ана шундан далолат беради. "Шарқ тароналари"да қатнашиш истагини билдирган давлатлар сонининг ортганлиги ҳам ана шу қизиқишнинг бир намунасидир.

Бу йил ўтказиладиган санъат байрамида 350-400 кишининг қатнашиши режалаштирилмоқда. Айтиб ўтиш керакки, фестивални тайёрлаш ва ўтказишга масъул ишчи гуруҳи томонидан ҳали ҳеч қайси давлатга расман таклифлар жўнатилмаган бўлса-да, аммо аллақачон Италия, Бангладеш, Малайзия, Хитой каби мамлакатлар ўзларининг номинантлари тўғрисидаги маълумотларни электрон почта орқали фестиваль эмейлига жўнатганлар.

Айни дамда фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларини Шарқ анъаналари таомили бўйича кутиб олиш учун Самарқанд шаҳрида қизғин ҳозирлик ишлари олиб борилмоқда. Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган бош саҳна – Регистон майдонида ҳамда вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Зеро, ота-боболаримиз айтганидек, мезбоннинг ким эканлигига унинг уй тутишига қараб баҳо берилади.

Энди маросимни ўтказиш тартиби хусусида икки оғиз сўз: фестивални ўтказиш учун Регистон майдонидаги бош саҳнадан ташқари бешта қўшимча саҳналар ҳам тайёрланмоқда. Улар Самарқанд вилоятининг турли туманларида қурилаётир. Шунингдек, концертлар ўтказилиши кўзда тутилаётган саҳналар атрофида миллий ҳунармандчилик усталарининг ўзига хос ярмаркаларини ташкиллаштириш ҳам режалаштирилган.

Хуллас, дунё эътиборини Самарқанд шаҳрига қаратадиган "Шарқ тароналари" IV Халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик қизғин бормоқда. Яна бир гап, биз тайёргарлик ишлари хусусида айрим маълумотларни олиш учун масъул кишилар билан гаплашаётганимизда, уларнинг электрон почтасига Чехия давлатидан "фестивалингизда биз ҳам иштирок этсак бўладими?" деган мазмунда нома келиб тушди. Кўриб турибсизки, "Шарқ тароналари" нафақат Шарқ, балки Ғарбнинг ҳам эътиборини жалб қилмоқда.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРМОҚ ЛОЗИМ

ЖАРАЁН

***Воҳа далаларини кўздан кечирган раҳбарлар ва мутахассислар ана шундай фикрга келишди. Хоразмда бу йил баҳор анча кечикди. Ҳаво салқин келиб, май ойи бошларида устма-уст ёққан ёмғир деҳқончилик, хусусан, пахтачиликка анча зарар етказди.***

Кўп жойларда чигит қайтадан экилди. Ёғинсочинли кунлардан сўнг ҳароратнинг бирданига кўтарила бошлагани натижасида тупроқ устки қатламида қалин қатқалоқ пайдо бўлди. Шунингдек, кузги буғдойнинг пишиб етилиши ҳам кечикмоқда. Бу эса ўз навбатида иккинчи тур экинлар экилишини ортга суради.

Хўш, бундай вазиятда қандай йўл тутмоқ керак? Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошчилигида қишлоқ хўжалигига алоқадор вазирликлар раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат гуруҳ икки кун давомида вилоят хўжаликларида бўлишиб, бугунги аҳвол билан яқиндан танишдилар. Хонқа тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида бўлиб ўтган вилоят қишлоқ хўжалиги фаолларининг йиғилишида вазият ҳар томонлама таҳлил қилинди. Мўл ҳосил етиштиришнинг чора-тадбирларини излаш борасидаги йўл-йўриқлар кўрсатиб берилди.

Вилоят бўйича бу йил 105 минг гектар майдонга пахта уруғи қадалган, шундан 20 минг гектарига чигит плёнка остига экилди. Айни пайтгача 88 минг гектар майдонда ниҳоллар тўлиқ униб чиққан. 35 минг гектар майдонда кузги буғдой бошоқлай бошлади. Бу йил барча далаларнинг шўри сифатли ювилгани боис, тўлиқ гектарлар ҳосил қилинмоқда. Лекин, тан олиш керакки, экинлар ривожи ўтган йиллардагига қараганда 15-20 кун орқада. Буни ҳисобга олган ҳолда воҳа деҳқонлари ғўза ниҳолларини агротехника талаблари даражасида культивациялаш, тагини юмшатиб, минерал ва маданий ўғитлар билан озиқлантириш, яганалашни ўз вақтида сифатли ўтказиш ишларига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди.

Урганч, Янгибозор каби туманларнинг айрим хўжаликларида бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб берилди. Йиғилишда, шунингдек, қишлоқ хўжалигига оид бошқа қатор масалалар хусусида фикр юритилди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ТЕМУР БОҒЛАРИГА ОҲУЛАР ҚАЙТДИ

## КЛАВИХОНИНГ ҲАЙРАТИ

***"Боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, даладан шаҳарга қайтаётиб орқага қаралса, улар баланд-баланд дарахтлардан иборат ўрмонга ўхшаб кўринади. Ана шу ўрмоннинг ўртасида шаҳар жойлашган".***

Соҳибқирон саройида бўлиб, салтанатда амалга оширилаётган улкан ободончилик ишларига бевосита шоҳид бўлган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг бу қадар ҳайратли эътирофларида назарда тутилаётган шаҳар – Самарқанд эди.




Дарҳақиқат, Самарқанднинг жаҳондаги гўзал шаҳарлардан бирига, рўйи замин сайқалига айланишида Темур бобомиз яратган гўзал боғ-роғларнинг ўрни беқиёс бўлган. Тарихдан маълумки, Темурийлар даврида дунёнинг мудроқ тамаддуни айнан Туронзаминда уйғонди. Маънавият, маърифат, фан юксак ривож топиб, дунё тараққиётига бебаҳо кашфиётлар, салоҳиятли ютуқлар ҳадя этилган ана шу даврда она табиатга нисбатан ҳам умуминсоний нуқтаи назардан қаралди. Табиатни асраб-авайлаш, яшнатиш, бойитиш ва айни маҳалда ундан оқилона фойдаланишнинг дунёвий тамойиллари яратилди. Боғдорчилик назарияси ҳамда амалиётини ўзида жамлаган "Иршод аз зиръа" қўлланмаси ҳам ана шу даврда яратилди. Унда аҳли одам она табиатга нисбатан қандай муносабатда бўлиши лозимлигини кўрсатиб берилди.

(Давоми 2-бетда)

МУЛОҲАЗА

# ТАЛАБАНИ НИМА (КИМ) ҚИЙНАЙДИ?

***Пойтахтимиздаги "Турон" кутубхонасидаман. Китобхонларнинг сони одатдагидан анча ортган. Мутолаа учун қўйилган столларнинг ҳаммаси банд.***

Кимдир китоб, бошқа биров газета-журнал варақляпти. Яна кимдир қоғоз қоралаш билан машғул. Авваллига ҳайрон бўлдим. Негаки, кўпдан бери кутубхонанинг қироат залига бунчалик китобхон ташриф буюрмаганди-да. Ҳозир эса ўтиришга жой йўқ. Лекин бир тарафдан бу ҳол кўнглимни тоғдек кўтарди. Ахир, зиё истаб келганларнинг сони қанча ошса, шунча яхши-ку!

Мендан нарироқдаги столда уч йигит суҳбатлашиб ўтиришибди. Кутубхонада бундай ҳол камдан-кам учрайди. Чунки, бу ер суҳбатлашадиган жой эмас. Шунданми, азбаройи қизиқишим ортиб, уларнинг суҳбатига қулоқ тутдим.

-Домла роса тихирлик қилаяпти-да. Дарсига бир марта ҳам кирмаганман. Беш минг бераман, десам, кўнмади, номард. Нуқул ўқиб келинг, реферат ёзинг, дейди.

-Э-э, рефератлариям жонга тегди-да. Бир тийинга арзимайдиган иш. Китобдан кўчирасан-у, олиб бориб топширасан. Домлага ҳам ҳайронсан. Ундан кўра, пулини олиб, қўйиб беравер. Сендан нима кетди? Барибир ўша ёзган рефератларимни ўқимасанг, шкафингда чанг босиб ётса. Тўғрими, гапим?

(Давоми 4-бетда)

# СЕНИ ИЗЛАБ...

ХОТИРА

***Ҳақгўй, жонкуяр, меҳнаткаш, фикри-тафаккури, ҳамиша уйғоқ олижаноб инсон, ўзбекнинг ҳақиқий ўғлони... У мен қаламга олаётган, кўнглимга яқин, одамийликни ўзига касб этиб олган қадрдоним Исмоилжон Сулаймон ўғлидир. Унга ҳурматим-икромим чексиз эди. Ҳаёт бўлганида бугун етмиш уч ёшга кирарди.***

Аммо, минг афсуслар бўлсинким, бевақт, бемаврид ўлим уни орамиздан олиб кетди. Журналистлар олами яна бир бетакрор қаламкашдан жудо бўлди. Энди унинг газеталарда кетма-кет чиқиб турадиган, замон нафаси уфуриб турган долзарб мавзулардаги мақолалари кўринмай қолди. Эссиз... Ёдга олсанг, кўнгил ўксийди шуларни ўйлаб. Азиз дўстим, маслакдошим, энди сени қайдан излай, манзилгоҳинг қайда, ҳасратларим, дардларимни кимга сўзлай, ким билан маслаҳатлашай?! Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён"идаги Анвар ўзининг суяниб қолган қадрдон дўсти Насим тўсатдан вафот этганида, унга атаб ёзган марсиясини эслайман:

**Очилмай сўлса ҳар гул ғунчаси пиру жувон йиғлар,**
**Эмас пиру жувон, балки ҳамма аҳли жаҳон йиғлар.**
**Насимим кетди оламдан мени қайғу аро ташлаб,**
**Кўзимдан оқса хун ҳеч бир ажаб йўқ, чунки қон йиғлар.**

Ҳа, қариндошинг ўлса ҳам, қадрдонинг ўлмасин, дейди халқимиз. Биз Исмоилжон билан узоқ йиллар бирга ишладик, бирга қалам тебратдик. Бир-биримизга оға-инидек ўрганиб қолган эдик. Нечукким, ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бирга татидик.

Инсон қалби ҳамиша меҳрга, мурувватга муҳтож. Қани энди бир сирдош дўстинг бўлса-ю, унга бағрингни очиб сўзласанг, юрагингдаги дардларинг, андуҳларингни тўкиб солсанг ёки севинч-қувончларингни баҳам кўрсанг. Дилингни дилига қўйиб, кўнглингни ёзиб олсанг. Исмоилжон ана шундай дилкашим, меҳригиёли қадрдоним эди.

(Давоми 4-бетда)

ҚОРАКЎЛЧИЛИК

# ТОМДИ КЕНГЛИКЛАРИДА

***Қизилқум – сирли хилқатлар макони. Унинг кўз илғамас кенгликлари маъданлар хазинаси. Буни ҳур Ватан ўғлонлари асраб-авайлаб, кўпайтириб келмоқдалар.***

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Дунёда ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Лекин йил бўйи дашту саҳрода кезадиган, қишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирамасига бардош бериб, керак бўлса, қўй-қўзисини бағрига босиб, жалаю дўлдан асрайдиган чўпон-чўлиқлар меҳнатини ҳар қанча улуғласанг арзийди".

Ана шундай ҳиммати баланд томдиликлар ҳақида, уларнинг қоракўлчилик соҳасида ўзига хос мактаб яратганликлари хусусида ҳикоя қилмоқчимиз. Томди яйловларидаги 450 отарда 275769 бош қўй боқиляпти. Шунинг 148 минг бошини совлиқ ташкил этади. Бундан ташқари 1658 бош туя, 2557 бош йилқи яйловлар кўрки.

Ўз ишининг ҳадисини олган фидойи чўпонларнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли бу йил қўзилаган совлиқларнинг ҳар юз бошидан қарийб 124 тадан қўзи олиниб, 131,4 минг бош насл ўстиришга қолдирилди. Туёқ сони ўтган йилнинг ҳозирги ҳолатига кўра 44 минг бошга кўпайтирилган. Тайёрланилган қоракўл тери 51378 тани ташкил этади. Рақамлар салмоғи дилни яйратиб юборади. Бу мамлакатимизда ислоҳотлар жараёнини тобора авжланаётганлиги натижасидир.

(Давоми 3-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

МАРДИКОРНИНГ ҲАММАСИ МАРДМИ?..

СЎНГГИ АТТАНГ

ОТАШ ҚЎЙНИДАГИ АЁЛ

# СЕНИ ИЗЛАБ...

(Боши 1-бетда)

Мендан кичик бўлса ҳам, худди тенгдошдек маслаҳатлар берар, ҳар бир кишининг кўнглини кўтариб, тўғри, адолатли йўл кўрсатишга қодир эди десам, хато бўлмас.

Исмоилжоннинг касби-кори журналист, иш қуроли қалам эди. Қуръони Каримнинг "Қалам" сурасида айтилганидек, қалам Аллоҳнинг инсонга ҳадя этган энг ноёб инъомларидан биридир. Уни фақат яхшиликка, эзгуликка ишлатмоқ даркор. Исмоилжон ўз касбига ҳамиша содиқ қолди. Уни покиза сақлади, фақат ҳақиқат ва яна ҳақиқат йўлидан борди. "Тошкент ҳақиқати", "Сирдарё ҳақиқати", "Қишлоқ ҳаёти" газеталарида ишлаган кезларида ўзи ишлаб турган лавозимда, ноҳалол ишларга қўл урмади, "газетани покиза қўл, юрак билан чоп қилмоқ даркор" дер эди у. У кишининг газетада жон куйдириб ишлаганликлари, замонамизнинг долзарб руҳли масалаларини донишмандлик билан ёритганлигининг гувоҳи бўлганмиз.



Исмоил Сулаймонов газетада фаолият юритиш баробарида уни замон талаблари даражасида мазмунли, мундарижали этиб чоп этиш билан бирга, моҳир ва ишчан муҳаррир сифатида ҳам турли мавзуларда мақолалар, китоблар, бадиий асарлар ҳам яратдики, бу билан қанча фахрланса арзийди. Унинг кейинги йилларда ёзган "Ўзбекистон пўлати", "Эл отаси эди" ва ниҳоят тарихий мавзудаги "Шаҳзода ва канизак" қиссаси, "Замондошларим" эсдаликлари эл-юрт мақтовига, эътиборига сазовор бўлди. "Шаҳзода ва канизак" қиссаси телеэкранлаштирилганлиги унинг ўз ижодига катта масъулият, эътибор билан қараганлигининг исботидир.

Исмоилжоннинг "Замондошларим" эсдаликлари ўзи билан бирга ўқиган ва Республикамиз матбуотида ишлаётган қадрдон, ҳамкасб дўстлари ҳақида битилган ажойиб рисоладир. Унинг қаламга олган замондошлари: эътиборли олима Зарифа Саидносирова, улкан адибимиз Мақсуд Шайхзода, атоқли олим Убайдулла Каримов, узоқ йиллар давлат ишларида фидокорлик билан раҳбарлик қилган Бектош Раҳимов, журналист-муҳаррир Зиёд Есенбаев, машҳур олима Фозила Сулаймонова, улкан шоир Эркин Воҳидов, адиб Жонрид Абдуллахонов, ёзувчи Асил Рашидов, журналист-муҳаррир Расул Раҳмонов ва бошқалар. Исмоилжон мазкур эсдаликларида ўзининг замондошлари, қадрдон дўстлари ҳақида ўчмас ёдгорлик, бекиёс кўркам эсдаликлар қолдирган, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Собиқ шўро даврида газеталар кўпинча вақтида чиқмас, шундай кезларда тонготар ишлашга тўғри келар эди. Ўшанда Исмоилжон "Қишлоқ ҳаёти"да муҳаррир бўлиб ишлар, узоқ кечалар бир пиёла чой устида турли мавзуларда суҳбат кетар, баъзан ҳазил-ҳузул чойлар ҳам бўлиб турарди. Исмоилжон чой ичиб ўтирган эди, "Ўзбекистон овози" газетаси муҳаррирининг ўринбосари, атоқли журналист Холбек Ёдгоров Исмоилжонга қараб:

-Газетангиз шу кунларда жуда қизиқарли чиқадиган бўлиб қолди, фельетонлар, бадиий асарлар кўпроқ босилмоқда, - деди.

Шунда Исмоилжон:

-Шундай бир гап бор, агар муҳаррирга яхши кўринаман десангиз, газетасини мақтанг, дейдилар, - деб ҳазиллашди.

Исмоил Сулаймонов ҳақиқатгўй, бир сўзлик, меҳр-шафқатли, шу билан бирга гапининг устидан чиқадиган, мард инсон эди. Бировнинг орқасидан гапириб юрадиган, ғийбат қиладиганларни ёқтирмасди. Аммо уларга айтадиган гапини ҳам очиқчасига айтарди-қўярди.

Муҳаррирлик лавозимидан фахрийликка чиқиб кетгандан кейин ҳам моҳир журналист уйда тинч ўтира олмади. Истиқлолимиз учун қўлидан келганча хизмат қилди. Аввал "Ўзбекистон овози" кейин "Халқ сўзи" газеталарида ўзига яраша иш топиб олди. Бир куни менга: "Илгарилари Бош муҳаррир бўлиб ишлаб юрган чоғимда дўстларим жуда кўп эди. Ишдан кетганимдан сўнг, кўплар, ҳатто ўз шогирдларим ҳам мени эсламай қўйишди. Лекин мен улардан хафа бўлмайман, ҳаёт шундай экан", деди.

"Муштум" журналида ишлаб юрган кезларимда Исмоилжон ҳузуримга тез-тез келиб турарди. Нима бўлди-ю, менинг устимдан Марказқўмнинг ўша вақтдаги биринчи котиби Усмонхўжаев номига ёзилган "Муштум" жамоаси"дан деб имзо чекилган имзосиз хатни унга ўқиб бердим. Исмоил хатнинг мазмунидан хабардор бўлгач, ловуллаб ёниб кетди. Наҳотки, сизнинг таҳририятингизда ҳам шундай одамлар ишласа, деб. Бироздан сўнг ўзига келиб: "Қўяберинг, кўнглингизга олманг, шуни билингки, имзосиз хат ёзган одам, умр бўйи ўзи эзилиб юради", деб қўйди.

Ижодкорнинг иши китоб битмоқ. Исмоилжоннинг эса ёзган китоблари кўп, одамларга қилган яхшиликлари бисёр. Бири-биридан яхши, ақлли, ширин-шакар фарзандлари бор. Фахрийликка чиқиб, "Нуроний"да ишлаб юрган кезларида кўпинча унинг ҳузурига кириб турардим. Ўз оғасини кўргандек, мени бағрига босиб, кўришарди. Оилавий масалалар ҳақида гап кетганда Исмоилжон фахр билан: "Менинг олти қизим бор: Мавлуда, Масуда, Насиба, Шарифа, Ўғилой, Наргиза. Улар менинг кўзимнинг оқи-қораси, жонимдан ортиқ севаман жигарбандларимни. Ана шу лобар қизларимни туғиб берган Саодатхонга минг раҳматлар бўлсин. У – саодат рамзи, ўта меҳрибон, меҳнаткаш аёл. Саодатхон билан кечган саодатли дамларимни ҳаётимнинг энг мазмунли, гўзал дамлари, деб биламан", дегани ҳамон ёдимда.

"Замондошларим" эсдаликлари босилиб чиққанда биринчи нусхасини ўз дастхати билан лутфан менга тақдим этди.

***"Оғам Мақсуд Қориевга!***

***Ярим аср бўлаяпти танишлигимизга. Бу деярли бутун бир умр. Ўзаро меҳр-оқибатимиз ҳамон илдиз отмоқда. Худойимнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин.***

***Эҳтиром билан муаллиф. 17.Х.2000 й."***

"Замондошларим" эсдаликлари сўнгида Исмоилжон шундай ёзади: "Айтмоқчиманки, шу инсонлар эди менинг учар қанотларим, шулар эди, суянган тоғларим, ишонган боғларим. Ўшалар меҳнати, меҳр-оқибати туфайли обрў-эътибор топдим. Умрим мобайнида бирор арзигулик иш қилган бўлсам, аввало, ўшалар – атрофимиздаги яхши одамлар туфайли, ўшаларнинг далдаси, кўмаги, ёрдами туфайли, деб биламан. То ҳаёт эканман, уларни дуо қилишдан толмайман, Яратган Эгам касби-корингизга ривож, умрингизга барака берсин, эл-юрт ўртасида ҳамиша юзингиз ёруғ, тилингиз узун, қаламингиз ўткир бўлсин".

Исмоилжоннинг ушбу сатрларини ўқир эканман, бу сўзлар гўё адибнинг бизга қолдириб кетган миннатдорчилик васиятидек туюлди.

**Мақсуд ҚОРИЕВ**

# ЮРТ ТАҚДИРИ ҚЎЛИНГДА

***Яна икки кундан сўнг мамлакатимизнинг барча мактаб ва лицейларидаги қўнғироқ мазкур ўқув йилида охирги маротаба жаранглайди. Унинг садоси битирувчи ёшларимиз учун она Ватаннинг ўзига хос чақириғи, десак муболаға бўлмас.***

Сўнгги қўнғироқ...

Ўн бир йил бир синфда ўқиган, қувончини ҳам, ташвишини ҳам бирга баҳам кўрган, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик хотиротлари ўзаро чамбарчас боғланиб кетган синфдошларнинг бир-бирларидан ажралиши қийин. Меҳрибон муаллимлару қадрдон оғайнилар билан хайрлашиб, мустақил ҳаётга қадам қўйиш осон кечмайди.

Бу йилги битирувчилар истиқлол умидларининг ўн иккинчи чечакларидир. Юртимиздаги "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига мос равишда замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлган муҳташам биноларда яйраб билим олган бундай ёшлар бугун катта ҳаёт остонасида туришибди. Нурли маскан ҳисобланмиш мактаб уларни "учирма" қилишга шай... Индинга янграйдиган охирги қўнғироқдан сўнг бу йилги битирувчилар ёруғ ниятлар билан ҳар томонга тарқаб кетишади. Улар билими ва иқтидори, энг муҳими, ўз хоҳишига кўра ўзи истаган олий ўқув юртларининг талабаси бўлиш учун тест синовларига қаттиқ тайёрланишмоқда.



СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Бугун уларнинг кўнглини энг нозик, энг теран туйғулар банд қилгани рост. Катта ҳаёт остонасида қалблари озгина хавотир, озгина ҳадик ҳамда бир олам завқ билан тўлиб-тошган ана шу йигит-қизларга қарата: "Озод юртнинг аъло фарзанди, унутма, сени Ватан кутмоқда. Унинг келажаги эса сенинг қўлингда", дегимиз келади.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# "АЪЛОЧИ – 2003 ЙИЛ"

***Мамлакатимизнинг келажаги бугунги ўсиб келаётган ёш авлоднинг иқтидори ва салоҳиятига боғлиқ.***

Шунинг учун республикамизда ёшларнинг таълим-тарбиясига, замонавий билимларни мукаммал эгаллашларига алоҳида эътибор берилаётир.

Айниқса, ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг билим олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш баркамол авлодни яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Сирдарё вилоятининг Ховос туманида етти йилдан буён ажойиб бир тадбир ўтказиб келинади. Мактабларда бўлиб ўтадиган сўнгги қўнғироқ арафасида тумандаги мавжуд йигирма бешта мактабнинг энг аълочи битирувчи ўқувчиларига туман ҳокимияти томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилади.

Совғаларни топшириш тантаналарида педагоглар, мактаб ўқувчилари, ота-оналар иштирок этади.

-"Аълочи-2003" тадбири катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг руҳиятига ниҳоятда катта ижобий таъсир кўрсатади, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ҳазратқул Тўрақулов. – Мактабда аъло ўқиганлари учун берилган бу биринчи мукофот уларни келажакда янада юксакроқ ютуқларни қўлга киритиш учун ҳаракат қилишга ундайди. Қолаверса, берилган эсдалик совға бир умр хотираларида туманда аълочи ўқувчи шарафига муяссар бўлганликларини эслатиб туради.

Ушбу тадбирнинг ўтказилиши мактабларда таълим олаётган бошқа ўқувчиларни ҳам аълочи ўқувчи номини олишга илҳомлантирмоқда. Бунга яққол далил туман ҳокимиятининг мукофотига сазовор бўлаётган аълочи ўқувчиларнинг сафи йилдан-йилга ортиб бораётганлигидир.

Агар шундай ибратли тадбир нафақат Ховосда, республикамизнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилганда эди иқтидорли ёшлар сони янада ортган бўлар эди.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**




Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

ЯХШИ ХАБАР

# ҚАҲРАМОНГА ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

***Чортоқ тумани Короскон қишлоғидаги Сардор қабристонида Ўзбекистон Қаҳрамони Абдували Абдураҳимовга ёдгорлик ўрнатилди.***

"Мустақилликнинг 5 йиллиги" ширкат хўжалиги ҳомийлигида бунёд этилган ушбу обида иқтидорли ҳайкалтарош Маҳмуджон Раҳмонбердиевнинг ижоди маҳсулидир.

-Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида Короскон марказида Қаҳрамон юртдошимизнинг яна бир бюсти ўрнатилади, - дейди Чортоқ туман ҳокими Муродулла Ҳасанов.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# SPORT OLAMIDA

## "ПАХТАКОР" КАРВОНБОШИ

***Олий лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган футбол бўйича мамлакат XII миллий чемпионатининг 9 тури якунланди.***

Аввалги турда чемпионат пешқадами "Нефтчи" жамоасини ўз майдонида 1:0 ҳисобида мағлуб эта олган "Пахтакор"га ўтган кунги 9-тур баҳсларида яна омад кулиб боқди. Ўзининг ҳужумкор ўйинлари билан ҳар икки бўлимда ҳам "Гулистон" жамоасидан устун келган тошкентлик чарм тўп усталари меҳмонлар дарвозасини беш маротаба ишғол этишди. Рақиблар дарвозасига тўпларни Бикмаев (2 та), Солиев, Қосимов, Тожиевлар йўллашди.



Мамлакатимизнинг яна бир етакчи жамоаси "Навбаҳор" ҳам бу сафар ўз мухлислари кўнглини шод этди. Сафарда "Андижон" билан ўзаро куч синашган наманганлик футболчилар рақибларига нисбатан анча сермазмун ўйин намойиш этишди. Наманганликларга ғалаба келтирган ягона гол муаллифи Ҳайрулла Каримов шу куни мухлисларда ўзининг тиниб-тинчимаслиги ва тиришқоқлиги туфайли яхши таассурот қолдирди. Пойтахт вилоятининг "Дўстлик" жамоаси футболчилари ҳам ўз майдонларида Муборакнинг "Машъал" жамоасини қабул қилишиб, Писарев томонидан киритилган ягона гол эвазига муҳим уч очкони қўлга киритишди.

9-турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: "Насаф" – "Самарқанд-Динамо" 4:2, "Бухоро" – "Трактор" 4:0, "Қўқон-1912" – "Нефтчи" 2:4, "Цементчи" – "Металлург" 3:2, "Сурхон" – "Қизилқум" 0:0.

## САМБОЧИЛАР ГИЛАМДА

***Икки кун давомида пойтахтимиздаги МҲСК спорт зали самбо ишқибозлари билан гавжум бўлди.***

"Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарининг совринлари учун ўтказилган халқаро турнирга Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон яккакураш усталари иштирок этишди.



Дастлаб 52 килограммгача полвонлар ўртасида финал беллашувлари ўтказилди Унда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси Бекзод Воситов олтин нишон соҳиби бўлди. Қозоғистонлик Галимжан Худиеровга кумуш, пойтахтлик "Динамо" клуби вакиллари Абдуқодир Серкеев ва Қодир Султоновларга бронза медаллари насиб этди.

62 килограммгача вазнда эса Самарқанд мактаби вакили Мирсади Шодиев турнир ғолиби бўлди.

74 килограммгача бўлган вазнда Ислом Одилов (ИИВ академияси клуби) ўз жамоадоши Ўктам Ибрагимовни енгиб, турнир ғолиби деган фахрий унвонни қўлга киритди.

82 килограммгача вазнда Акобир Қурбонов турнир финалида самарқандлик умидли спортчи Акобир Ишов билан беллашди. Кутилмаганда ушбу ҳал қилувчи баҳс жуда кескин ва тенг курашлар остида ўтди. Ҳакамлар озгина устунликка эришган Акобир Қурбоновни ғолиб деб топишди. Бу вазнда учинчи ўринларни шаҳримизнинг "Динамо" клуби спортчилари Хуршид Атабеков ва Илья Сагировлар эгаллашди.

100 килограммгача вазндаги самбочиларнинг финал баҳсида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти вакили Давлат Чориев ва Жиззах вилоятидан ташриф буюрган меҳмон Искандар Тохтамовлар куч синашишди. Омад Давлат Чориевга кулиб боқди. Акбар Йўлдошев (Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти) ва Эдуард Ким (ИИВ академияси клуби) учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

## ФИНАЛ САРИ БИР ҚАДАМ

***"Милан" ва "Рома" клублари ўртасидаги Италия кубогининг биринчи финал учрашуви 4:1 ҳисобида якунланди.***



Аввалига 28-дақиқада Франческо Тотти ҳисобни очган бўлса, орадан 34 дақиқа ўтгач, Сержинио пенальтини қойилмақом қилиб уддалади. 70-дақиқада эса Амброзини "Милан"ни олдинга олиб чиқди. Шунингдек, 73-дақиқада Сержинио ва 89-дақиқада Андрей Шевченколар ҳисобни 4:1 га етказдилар. Жавоб учрашуви 31 май куни бўлиб ўтади.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# БОРЛИҚ ЖИЛОСИ АКС ЭТГАН МАСКАН

***Мамлакатимиз ўзининг бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда жаннатмакон табиати билан Марказий Осиё минтақасида салмоқли ўрин эгаллайди. Шу боис она табиатимизнинг ўз ўтмиши мавжудлигини унутмаслигимиз лозим.***

ТАБИАТ ВА БИЗ

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича XIX асрнинг 70- йилларида Ўрта Осиё тарихи, жўғрофияси этнографияси ва табиатини ўрганувчи олимлар ташаббуси билан табиат музейини ташкил этиш таклифи илгари сурилади.

Шу тариқа 1876 йилнинг июлида мамлакатимзда илк бор табиат музейи очилди. Узоқ йиллар мобайнида музей фонди ўсимлик, қушлар ва балиқ турлари, ҳашаротлар, табиий ер ости бойликлар намуналари билан бойиб борди. Бугунги кунда музейда 300 мингдан кўпроқ ҳашаротларни ўз ичига олган Ўрта Осиёдаги энг йирик энтомология 11 минг варақ гербарийдан иборат ботаника, шунингдек, зоология ва геология фондлари мавжуд.

Музей экспозициясида ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Ўзбекистоннинг табиий ва жўғрофий тавсифи, геология-минералогияси, флора ва фаунаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва орол муаммосига доир бўлимлар фаолият юритмоқда. Музей залларида республикамизда учрайдиган ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот олами, паррандалар, кемирувчилар ва балиқларнинг турларини кўрасиз. Шунингдек, юртимизнинг қазилма бойликлари, табиатни муҳофаза қилиш, Орол денгизи муаммосига-доир фотосуратлар ва бошқа қизиқарли маълумотлар билан танишиш мумкин. Узоқ ва мураккаб ривожланиш босқичини ўтаган бу масканнинг асосий вазифаси, ўлкамиз табиати ва ундан самарали фойдаланиш йўлларини ифода этиш, табиат муҳофазасини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, бу борадаги таълим-тарбия ишларида ўқув юртларига ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Зеро у Ватан тарихи унинг сарҳадсиз бойликлари ва имкониятларини чуқур ўрганишда музейлар алоҳида аҳамият касб этади.

Музей ҳар бир халқнинг қайсидир соҳада эришган ютуқларини акс эттирувчи кўзгу десак хато бўлмайди. Хорижлик саёҳлар энг аввало диққатга сазовор жойлар қатори, албатта, музейларни ҳам зиёрат қилишади, шу юрт, шу халқнинг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти ва истиқболи йўли билан танишади.

Табиатнинг бой ва гўзал маскани бўлгани мазкур музейга ҳам ҳар куни минглаб табиатсеварлар ташриф буюришади. Улар орасида чет эллик меҳмонлар ҳам бор албатта. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган музей илмий ходими Гулнора Ғуломованинг айтишича, музей залларида мактабларда ўтказиладиган табиатшунослик фанларига қўшимча тарзда янги фойдали ва қизиқарли маълумотномалар ҳам мавжуд экан. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини мисоллар асосида мустаҳкамлашда асқотади. Музейда умумий биология фанидан махсус мавзуларга бағишланган экскурсиялар, суҳбатлар мунтазам ўтказилиб турилиши ҳам ўқувчилар учун фойдадан холи эмас.

Шу кеча-кундузда табиат музейига келувчилар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Ўтган йили музей билан танишиб кетганларнинг сони 50 мингдан ошиб кетди. Музей фондини янги экспонатлар билан бойитишда, ёшларга экологик тарбия ва маданиятни шакллантириш кўзда тутилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50 моддасида ҳам «Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деб ёзиб қўйилган.

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ**

# ТАЛАБАНИ НИМА (КИМ) ҚИЙНАЙДИ?

(Боши 1-бетда)

-Имтиҳон деса, юрагим безиллайдиган бўлиб қолган. Бу гал анчагина пул сарфласам керак. Чунки мен ҳам кўп дарс қолдирганман. Кеча қишлоқдошларим келишувди, уйга пул айттирвордим. Ишқилиб, тезроқ жўнатишсин-да...

Уларнинг суҳбати нима ҳақида бораётганини дарров тушундим. Айтгандек, ҳозир олий ўқув юртларида ёзги сессия мавсуми, авжи имтиҳон. Балки шунинг учун кутубхонада одам сони кўпайгандир. Яна ким билади, дейсиз. Негадир ҳалиги уч йигит билан суҳбатлашгим келди. Йўлини топиб суҳбатга қўшилдим. Танишиб ҳам олдик. Фарҳод (исмлар ўзгартирилди) деган йигит асли бухоролик экан. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий университетида ўқиркан. Қолган икки йигит – Анвар билан Беҳзод Сурхондарёдан. Улар ҳам шу университет талабалари.

-Тўртинчи курсда ўқиймиз, - деб гап бошлади Фарҳод. – Имтиҳонлар бошланди. Буям биз учун битта ташвиш, агар билсангиз. Лекин, шунча йил ўқиб, талабаликнинг анча-мунча "сир"ларини билиб олдик...

Эсимда. Биринчи курсга қабул қилинган пайтларим ўқишга катта иштиёқ билан келгандим. Бир томондан севиниб, ҳаяжондаман. Ўқиш бошлангач, дарсларни қизиқиш билан тинглаб бордим. Вақтида топшириқларни ҳам бажардим. Хуллас, илк семестрда тинимсиз ўқидим. Аввал эшитганим бор эди, сессия имтиҳонлари вақтида ўқиган ҳам, ўқимаган ҳам барибир домлага пул беради, деб. Бермасангиз, "йиқитишармиш". Мен шу гапнинг нотўғри эканлигини исботлаб бериш учун курсдошларим билан гаров ўйнадим. Ўзимга ишонардим-да. Лекин, хато қилган эканман.

Шунча тайёргарлик кўрганларим сувга оқди. Ҳаммасидан эмас, албатта. Лекин айрим ўқитувчилар ҳам бор эканки, курсдошларим айтганидек, ўқисанг, ўқимасанг, йўлини топиб барибир "йиқитишаркан". Бу каби домлаларнинг мақсади, қандай қилиб бўлмасин талабадан нимадир ундириш. Баҳони ҳам шу пул эвазига сотиб оласиз. Бермасангиз баҳо ололмайсиз. Тамом, вассалом. Кейин нима бўлишини ўзингиз биласиз.

Олий таълим даргоҳидаки, шундай ҳақсизлик бўлиб тургандан кейин, нима дейишни ҳам билмай қоларкансан. Ундан кўра, сўралган пулни бериш керак экану, дарсга ҳам бориб ўтирмай, ялло қилиб юравериш маъқул экан. Мен шу йўлни танладим...

-Сурхондарёнинг чекка бир қишлоғидан келганман, - деб суҳбатга қўшилди Анвар. – Отам оддий ишчи. Топиш-тутиши ҳам ўзига яраша. Иложини топса, бир ойда бир марта пул жўнатади, бўлмаса йўқ. Олган стипендиямиз эса урвоқ ҳам бўлмайди. Амал-тақал қилиб кун кўрамиз. Сессия имтиҳонлари вақтида эса мажбур бўламан, уйдан кўпроқ пул сўрашга. Ундаям китобни баҳона қилиб сўрайман. Шундай қилмасам, отам пул топиб, жўнатмайди. Унга тўғрисини тушунтириш бефойда. "Ўқиганингда олардинг баҳойингни", дейди қўяди. Қанийди, у айтганидек, ҳамма фанлардан ҳам баҳо олишнинг имкони бўлса...Беҳзоднинг ҳам билгани ичида экан. Анвар гапини тугатишга улгурмай, у ҳам дардини тўкиб солди.

-Сессия имтиҳонлари пайтида ўқитувчиларимизнинг баъзилари китоб сотишади. Кўпчилиги услубий қўлланмалар. Нархи 100 сўм ёки 200 сўмлик китобни 1000 сўм, 1500 сўмдан олишга мажбур бўламиз. Муаллифи эса домланинг ўзлари. Олмай кўринг-чи...

Суҳбатга берилиб кетганимиздан, қанча вақт ўтганини ҳам сезмай қолибмиз. Бу орада қироатхонанинг ҳам иш вақти тугаб, ҳамма уй-уйига тарқала бошлаганди. Автобусда кетар эканман, бошимда минг бир савол, турли хил ўйлар ғужғон ўйнарди. Наҳотки, талабаларнинг ҳасрати шунчалар кўп бўлса? Наҳотки, билим беришдек савоб ишга қўл урган айрим ўқитувчилар уялмай-нетмай, ана шундай қабиҳ ишларга қўл урсалар?..

Юртимизда таълим соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бундан кўзланган мақсад бугунги ўқувчи ёхуд талаба бир кун келиб мамлакат ривожи учун ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишиши лозим. Бироқ, гоҳ-гоҳида учраб турадиган шу каби салбий ҳолатлар бу борадаги ишларга тўсиқ бўлаётир. Баъзи ҳолларда, ҳаттоки, айрим мактаб ўқитувчилари ҳам қинғир ишга қўл ураётганлари ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимизга чалиниб қолади. Эшитамизу, ёқа ушлаймиз. Наҳотки, касбга доғ тушириш шунчалик осон бўлса? Олий ўқув юртларидаги, аҳвол эса бошқача. Айниқса, тўртинчи курсга келиб, ҳар хил "йиғди-йиғди"ларнинг кўпайиб кетиши талабаларни бироз қийнаб қўймоқда. Битираётгани учун талаба ўртоқларига, ўқитувчисига, илмий раҳбарига, дипломи учун расмий тақризчисига, декан муовини ва деканга ҳамда уни қутлашга келган яна уч-тўртта оғайнисига дипломини "ювиб" берса, ана ундан кейин гўёки, диплом улар томонидан "расман" тан олинади. Бундан ташқари, битирув кечаси ҳам талаба учун озмунчага тушавермайди. Унга ҳам яхшигина чиқим қилишга тўғри келади.

Қарабсизки, битиришнинг ўзи талабани анчага "тушириб" турибдида! Лекин, беш қўл баробар эмаслигини ҳам унутмаслик керак, бундай ортиқча чиқимдорликка ҳамманинг қурби етавермайди. Бу ҳақда даврий нашрларимизда аввалари ҳам бир неча бор бонг урилган эди. Бироқ, унинг "натижаси" кутубхонадаги суҳбат пайтидаёқ маълум бўлди. Сиз бунга нима дейсиз?..

**Шавкат ОРТИҚОВ**

**ХИТОЙ ТЕГИРМОНЛАРИ ВА ЖУВОЗЛАРИ СОТИЛАДИ**

Хитойда ишлаб чиқарилган ун, гуруч тегирмонлари, зиғир, масхар, писта, кунжут жувозлари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари сотилади. Манзил: Тошкент, Юнусобод-18, 37-уй, 26-хонадон. Тел.: 8 (371) 182-49-22; 8 (3712) 22-24-74.

Ўзбекистон Миллий Университети томонидан 2000 йили Ҳайитов Қобил Неъматиллаевич номига берилган В 063559-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 1-умумтаълим мактаби томонидан 1993 йили Комилова Дилбар Мухтаровнага берилган 279153-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси томонидан 1993 йил 8 октябрда Али Музаффар жамоа корхонаси номига берилган 207-сонли мулкий ҳуқуқ қайд этилган муваққат давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Х.ПАНЖИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-381, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6